



СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 14 август кун
суд-ҳуқуқ ислохотларининг натижалари
ва соҳадаги устувор вазифаларни муҳокама
қилиш юзасидан суд тизими раҳбарлари
билан учрашув ўтказди.

Мулоқотда судлар фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантиришга қаратилган “Одил судлов — 2030” стратегияси лойиҳаси тақдирот қилинди.

Сўнгги йилларда суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш ва одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилди. Шу билан бирга, аҳоли муносабатлари ва суд амалиёти таҳлили тизимда ечимини кутаётган масалалар мавжудлигини кўрсатди.

Шу муносабат билан ислохотлар натижаси, аввало, фуқаронинг судга ортиқча овозгарчиликсиз муносабат қилиши, бузилган ҳуқуқи ўз вақтида тикланиши ва қабул қилинган қарорнинг адолатли эканига ишонч ҳосил қилишида намоён бўлиши кераклиги кўрсатиб ўтилди.

“Одил судлов — 2030” стратегияси аҳолининг тақлифлари, олимлар, амалиётчи юристлар ва адвокатлар билан мулоқотлар, шунингдек, илгор хорижий тажриба асосида ишлаб чиқилган. Стратегияда 57 та вазифа, уни амалга ошириш бўйича 2026-2028 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар дастурида 160 та аниқ чора-тадбир ҳамда 2030 йилга қадар эришилиши лозим бўлган 33 та мақсад белгиланган.

Жумладан, қўйи судлар қарорларини қайта кўриб чиқиш ҳолисигини ошириш мақсадида 2027 йил 1 июлдан 5 та худудлараро суд ташкил этилади. Вилоят судларида апелляция ва кассация инстанциялари сақланиб, тафтиш инстанциясининг ваколатлари худудлараро судларга берилади. Бу бир суднинг ўз қарорини ўзи қайта кўриб чиқиши амалиётига чек қўяди ва фуқароларнинг адолат излаб пойтахтга бориш заруратини камайтиради.

Кундалик ҳаётини муаммоларни ҳал этувчи, одамларнинг иши кўпроқ тушадиган судлар фуқаролик ишлари бўйича судлар эканлигини инобатга олиб, уларни халққа яқинлаштириш мақсадида 2030 йилга қадар заруратга қараб қарийб барча туман ва шаҳарларда фуқаролик судларининг фаолияти босқичма-босқич йўлга қўйилади. Барча судларда ахборот олиш, муносабат топшириш ва рақамли хизматлардан фойдаланиш “ягона дарча” тамойили асосида таъминланади.

Судга берилган ариза бошқа судга тегишли бўлса, у фуқарога қайтарилмайди, суднинг ўзи уни тегишли судга юборади. Аризада жузъий камчилик аниқланган тақдирда суд уни бартараф этишда фуқарога фаол қўмаклашади.

Иқтисодий низоларни тезкор ҳал этиш учун “иқтисодий ишларни проактив бошқариш” стандарти жорий этилади. Бу тадбиркорларнинг идорама-идора сарсон бўлиши ва ҳужжатларни қайта-қайта топширишига чек қўяди.

Инсон эрки — олий қадрият эканлигидан келиб чиқиб, тергов, суриштирув босқичида инсон ҳуқуқлари кафолатларини кучайтириш учун “асосли гумон” (prima facie) стандарти жорий этилади. Тергов судьяси санкция бериш масаласини кўриб чиқишда шахсни ушлаб туришнинг қонунийлиги, гумон ёки айблов учун асослар етарлилигини текшириш ва зарур қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш имконига эга бўлади. Бу эса шахснинг эркинлиги асосиз чекланишининг олдини олади.

Ягона суд амалиётини таъминлаш мақсадида Олий суд Раёсати қарорларини қараб оладиган очик “Прецедентлар реестри” юритилади.

Судьяларни одил судловга дахлдор бўлмаган ташкилий вазифалардан озод этиш учун 2028 йилдан “суд маъмуричилиги” институти жорий этилади.

“Рақамли суд” концепцияси барча судларда тўлақонли ишга туширилиб, my.sud.uz портали ва унинг мобил иловаси такомиллаштирилади. Судларга муносабатларнинг қамиди 50 фоизини электрон шаклда бериш, суд мажлисларининг 100 фоизини аудиоёзув орқали қайд этиш ва Олий суд ахборот тизимлари фойдаланувчиларининг сонини қамиди 5 баравар ошириш режалаштирилган.

Шунингдек, медиация ва ярашув механизмларини кенгайтириш, ноқонуний деб топишган маъмурий ҳужжатларнинг очик реестри юритишни қараб олиш, “халқ вакиллари ҳайъати” иштирокида кўриладиган жиноят турлари сонини қамиди 3 тага етказиш мақсад қилинган.

Тақдиротда суд аппарати ходимлари учун махсус хизмат кийими намунаси ҳам кўриб чиқилди. Бу фуқароларга суд ходимларини осон таниб олиш, уларнинг касбий масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Учрашувда конституциявий суд ишларини юритишни янада такомиллаштириш, судьялар ҳамжамияти органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, суд мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда тизимдаги кадрларнинг хорижда малакасини ошириш бўйича тақлифлар ҳам кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари стратегия лойиҳасини маъқуллаб, унда назарда тутилган ислохотларни рўйбга чиқаришга қаратилган тегишли фармонни имзолади.

ЎЗА

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЎЗБЕКИСТОН

Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!



МУСТАҚИЛЛИК: ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

КОНСТИТУЦИЯСИ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Конституция ва Ўзбекистоннинг
ягона халқи

Истиқлол байрамининг ушбу бош ғояси ўз маъно-мазмунига кўра 2023 йил 30 апрелда янги тахрирда қабул қилинган Конституциямизнинг туб моҳиятига батамом уйғун.

“Ягона халқ” — ўзбек халқи, Ўзбекистон халқи. Истиқлол арафасидаёқ ишлаб чиқишга киришилган ва 1992 йил 8 декабрда мустақил халқимиз ва суверен давлатимиз қабул қилган Конституциямизда қайд этилганидек, “Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”.

► Давоми 3-бетда



Муқобил энергия

ЭКОЛОГИК ТОЗА

ВА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ МАНБА

Тараққиёт шиддатига мос равишда энергетика тизимини модернизация қилиш, янги қувватларни ишга тушириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш борасидаги ислохотлар электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини барқарор энергия билан таъминлашга хизмат қилмоқда. Бу жараёнда гидроэнергетика тизими алоҳида ўрин тутди. Сувнинг бекиёс кучини электр энергиясига айлантираётган гидроэлектр станциялари иқтисодий самарадорлиги баробарида атроф-муҳитга зарари камлиги билан ҳам катта аҳамиятга эга.

► Давоми 4-бетда



Юксалиш палласи

Мамлакатимизда энг улғу, энг азиз байрам — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллигини катта тантана билан нишонлашимизга ҳам санокли кунлар қолди. Истиқлол халқимизга нафақат ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини, балки ўзлигимизни қайта англаш, кўп асрлик қадриятлар ва маънавий меросимизни тиклаш, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш имконини ҳам берган буюк неъматдир.

ХАЛҚИМИЗ ТАҚДИРИНИ

ЎЗГАРТИРГАН

БУЮК НЕЪМАТ

Бугун юртимиздаги кенг қўламли ислохотлар, ҳар бир соҳада қўлга киритилётган улкан ютуқлар замирида ана шу муқаддас куч — мустақилликнинг қудрати мужассам. Ватан равнақи йўлида ҳаётга татбиқ этилаётган ҳар бир эзгу ташаббус истиқлол руҳи билан уйғунлашиб, янги Ўзбекистоннинг мустаҳкам пойдеворини яратмоқда. Хусусан,

тарихан қисқа давр ичида таълим тизимимиз узоқ ва мураккаб йўлни босиб ўтди. Эски марказлашган ёндашувдан очкилик, кадрлар тайёрлаш сифатини юксалтириш, халқаро ҳамкорлик ва академик рақобатбардошликка йўналтирилган замонавий миллий тизимга ўтилди.

► Давоми 5-бетда



Шукуҳ

МЕҲНАТ ВА ФИДОЙИЛИК ЭЪТИРОФИ

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ КЎКСИНИ ФАХРГА ТЎЛДИРДИ



Август — юртимиз тадбиркорлари учун алоҳида аҳамиятга эга ой. Ишбилармонлар 20 августда нишонланадиган касб байрамида давлатимиз раҳбари билан ўтадиган очик мулоқотни катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кутади. Бугун қайси бизнесмен билан суҳбатлашманг, фикру ёди ана шу учрашувда. Чунки мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим ва қутилган воқеалардан бири — давлатимиз раҳбарининг юртимиз тадбиркорлари билан ўтказадиган олтинчи очик мулоқотига санокли кунлар қолди. Учрашувга ҳозирлик эса авж паллага кирган.

Дунё тажрибасида ўхшаши йўқ ушбу ўзига хос очик мулоқот мамлакатимиз раҳбарининг ишбилармонлар билан одатдаги учрашуви эмас. Бу форматдаги мулоқот тадбиркорларнинг овози тингланадиган, муаммолар очик айтиладиган ва уларнинг ечимини бўйича аниқ вазифалар белгиланадиган муҳим майдонга айланганини даврнинг ўзи кўрсатяпти. Шу боис, учрашув санаси нафақат ишбилармонлар, балки юртимизда тадбиркорлик муҳитининг янада ривожланишидан манфаатдор бўлган барча учун алоҳида қизиқиш билан кутилади.

► Давоми 2-бетда

Мулоҳаза



ИЛМ ЖАМИЯТДА
ЯШАШИ КЕРАК

5

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас, бугунги халқимиз ҳам кечаги, яъни пахта даласидан бошқа ташвиши бўлмаган халқ эмас. Бугун янги Ўзбекистоннинг даври, ягона Ўзбекистон халқининг янгича замони келди.

YUZ OFFICIAL

YUZ.UZ NEWS

YUZ.UZ NEWS

Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажақ яратамиз!

МУСТАҚИЛЛИК: ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

КОНСТИТУЦИЯСИ ВА ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ

2026 йил 15 август, 165-сон



Акмал САИДОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси Миллий
маркази директори, академик

Бошланиши 1-бетда

Ўз навбатида, 2023 йил 30 апрелда референдум ўтказиш орқали қабул қилинган янги тахрирдаги Конституциямиз “Ўзбекистоннинг ягона халқи” деган янада ҳаққоний тушунча билан бойитилди. Таъбир жонз бўлса, “ягона халқ” тушунчасининг мазмун-моҳиятини Ватанимизда доимий асосда яшаб келаётган фуқаролар ва барча заминдош инсонлар ташкил этишига оид реал воқеа Асосий қонунимизнинг бошқа моддаларида изчил ривожлантирилгани ҳар қандай таҳсинга лойиқ.

Янги тахрирдаги Конституциямизнинг 23-моддасига кўра “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳимоя қилиш ва уларга ҳоимийлик кўрсатишни кафолатлайди. Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистондан ташқарига мажбурий чиқариб юборилиши ёки бошқа давлатга бериб юборилиши мумкин эмас. Давлат хорижда яшаётган ватандошлар билан алоқаларни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш тўғрисида халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ғамхўрлик қилади”.

Шундай ғамхўрликка битта амалий мисол. Гап шундаки, мамлакатимизда пахтачиликда бозор иқтисодиёти тамойиллари жорий этилиб, соҳа ўз эгасининг тасарруфига берилди. Натижада ўқитувчи мактабга, шифокор шифонахга қайтиш, тадбиркорлар пахта “ўлпон”дан озоқ бўлди, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига чек қўйилди.

Бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас, бугунги халқимиз ҳам кечаги, яъни пахта даласидан бошқа ташвиши бўлмаган халқ эмас. Бугун янги Ўзбекистоннинг даври, ягона Ўзбекистон халқининг янгича замони келди.

Кейинги ўн йилда янги Ўзбекистонни барпо этишда Президентимиз ташаббуси, яъни “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган инсонпарвар ғояга таянишмоқда. Бундай ғояга демократик ёндашув ҳам айнан халқимиз манфаатларига хизмат қилмоқда.

Маҳалла — жамиятнинг юзи

Мамлакатимиздаги барча ўзгаришлар, аввало, маҳаллада ўз ифодасини топади. Бинобарин, Ўзбекистонда шундай тизим яратилдики, илгари жиддий деб ҳисобланган кўплаб масалаларга ечим энди айнан маҳалланинг ўзида топилапти.

Шу маънода, Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан мамлакатимизда 2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилинган янги бежиз эмас. Зеро, давлатимиз раҳбари ишонч билан қайд этганидек, маҳалла тинч ва аҳил бўлса, жамиятимиз тинч ва ҳамжиҳат бўлади. Маҳалла ривожланса, бутун мамлакатимиз юксалади.

Жорий йил давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизими, иқтисодиёт тармоқлари, таълим, илм-фан, тиббиёт, маданият, спорт, экология тизими — барча-барча соҳани ривожлантиришда туб бурилиш йили сифатида кўзга ташланмоқда. Бу ҳаётий ҳақиқатнинг тасдиғи учун айрим мисолларни келтирамиз.

Янги тахрирдаги Конституциямизга асосан давлат зиммасига юклатилган ижтимоий мажбуриятларни бажариш ҳамда юртимизда ижтимоий давлат барпо этиш борасида ҳам улкан ишлар қилинмоқда. Хусусан, конституциявий ислохотлар ўтказилган даврда мамлакатимизда камбағаллик даражаси 14 фоиз эди. Бугун бу кўрсаткич 5,8 фоизга туширилди. Ваҳоланки, мамлакатимизда янги Ўзбекистон ислохотлари бошланган даврда камбағаллик даражаси қарийб 35 фоизни ташкил этарди. Ўтган даврда 8,5 миллион эҳтиёжманд фуқаронинг даромадини ошириш ҳисобига бугун ана шундай муҳим натижага эришилди.

Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги сезиларли даражада ошди. Маълумотларга кўра, 2025 йил якунлари бўйича бу кўрсаткич 75,4 ёшни ташкил этган. Истиқлолнинг илк даври — 1991 йилда эса мамлакатда ўртача умр кўриш давомийлиги 66,4 ёш бўлган. Демак, ўтган 35 йилда халқимизнинг ўртача умр кўриш даражаси нақ тўққиз йилга узайибди.

Яна бир муҳим рақам: Миллий статистика қўмитаси маълумотиغا қараганда, 2026 йил 1 апрель ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг доимий аҳолиси сони 38 миллион 382 минг 685 кишини ташкил этган. Жорий йил июнь охирида эълон қилинган рўйхатга олиш натижаларига кўра эса, юртимиз аҳолиси 39 миллион нафардан ошган. Яъни мамлакатимизда аҳоли сони 1989 йилдаги рўйхатга олиш натижаларига нисбатан 2 баробар ортган. Бу рақам истиқлол йилларида халқимиз нуфуси икки қарра кўпайганидан далолат беради.

Янги Ўзбекистонда туризм соҳаси жадал ривожланиб, тарихий рекордларни янгиланмоқда ва юртимизга бир ойнинг ўзига 1 миллион сайёҳ келиши одатий ҳолга айланмоқда. Мамлакатимизга келган хорижлик сайёҳлар сони 2025 йилда қарийб 12 миллионга етгани ва жорий йилнинг биринчи ярмида 6,5 миллиондан ортиқни ташкил этгани бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Шу маънода, Ўзбекистонда 35 йиллик мустақиллик даврида қўлга киритилган энг асосий ютуқлар, аввало, миллий давлатчилик асосларини қуриш, иқтисодий суверенитет, инфратузилма мустақиллиги ва глобал дунёга интеграциялашув билан боғлиқлиги бежиз эмас. Бунда, аввало, давлатчилик ва суверенитетни шакллантириш, ривожлантириш ҳамда мустақамлаш йўналишларида қатор муҳим тарихий натижаларга эришилди.

Бу ҳақда фикр юритганда, Ўзбекистон мустақиллик йилларида турли соҳаларда эришган бемисл ютуқларнинг аксарияти охириги ўн йилга тўғри келишини алоҳида эътироф этиш керак. Янги Ўзбекистондаги энг асосий ютуқлар иқтисодий эркинлик, халқаро очикилик, давлат хизматларининг рақамлашishi ва ижтимоий соҳадаги туб бурилишлар билан чамбарчас боғлиқ.

Жаҳон сиёсатининг фаол ва ташаббускор субъекти

Янги тахрирдаги Конституцияда ҳар бир инсоннинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун миллий ва халқаро институтларга мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатланди. Конституциявий шикоят институти конституциявий даражада мустаҳкамланиб, фуқаролар Конституциявий судга бевосита мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Жаҳон мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг мақоми конституциявий даражада таъминланди.

Янада муҳими, сўнгги йилларда янги Ўзбекистон жамиятнинг объекти эмас, балки том маънода фаол ва ташаббускор субъектига айланди. Зеро, XX аср бошидан



яқин даврларга ҳақ Ўзбекистон жаҳон сиёсати объекти бўлган ва унга нисбатан гоҳ “яқин хориж”, гоҳ “хомашё базаси”, гоҳ эса “постсовет ҳудуди” каби беписанд “ёрлиқ”лар қўлланиб келингани сир эмас.

Кейинги ўн йилда мамлакатимиз жаҳон сиёсатида бошқаларнинг ортидан эргашадиган ташаббуссиз объект ҳолатидан дадил чиқиб олди. Эътиборли жиҳати, дунёда кескин геосиёсий ўзгаришлар юз бераётган бугунги мурраккаб шароитда янги Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятга иқлими муҳофаза қилиш, “яшил иқтисодиёт”ни жорий этиш, фуқаро-сизликка барҳам бериш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш каби турли соҳаларда янги ғоя ҳамда ташаббусларни тақдим этаётган жаҳон сиёсатининг фаол акторидир.

Эътибор беринг: мамлакатимиз БМТнинг фуқаросизлиқни бартараф этиш бўйича



таъсияларини бажариш борасида тарихий ютуққа эришди. Гап шундаки, 1991 йилдан 2016 йилгача бор-йўғи 482 киши Ўзбекистон фуқаролигини олган бўлса, 2017 йилдан 2026 йилгача 85 мингдан ортиқ киши Ўзбекистон фуқаролигига эга бўлди. Бу кўрсаткич мамлакатимиздаги инсонпарвар сиёсат жамиятнинг ҳамма қатламини қамраб олиш ва инсон кадр-қимматини том маънода ҳурмат қилишга қаратилганини баралла намоён этади.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан 15 та резолюция қабул қилинди. Бу ҳақда сўз борганда БМТ Бош Ассамблеяси 2026 йил июлда Президентимиз ташаббуси билан илгари сурилган “Ижтимоий ривожланишни жадаллаштиришда

Президентимиз ташаббуси асосида ишлаб чиқилган “Инсон ҳуқуқлари — 2030” стратегияси лойиҳаси кенг жамоатчилик томонидан қизгин қўллаб-қувватлангани бежиз эмас. Бу — янги Ўзбекистон тарихида инсон ҳуқуқлари бўйича иккинчи Миллий стратегиядир.

парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги резолюцияни қабул қилган.

Мазкур ҳужжатга дунёнинг барча минтақасини ифодолловчи, БМТга аъзо 61 давлат ҳаммуаллиф бўлди. Бу Ўзбекистоннинг ижтимоий ривожланиш, Барқарор ривожланиш

хизмат қилувчи ўзига хос моделни акс эттирадиган “Марказий Осиё руҳи”, “Янги Марказий Осиё” атамалари шаклланди.

Янги Ўзбекистон глобал масалалар муҳокама қилинадиган халқаро мулоқот майдони сифатида ўзини яққол намоён этаётгани алоҳида таҳсинга сазовор. БМТнинг тенг ҳуқуқли ва тўлақонли аъзоси сифатида Ўзбекистон тенглик, ҳамкорлик, кўп томонламалик ва халқаро сиёсий тизимни ҳимоя қилиш принципларига сўзсиз амал қилишини намоиши этмоқда.

Сўнгги вақтларда халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, янги глобал қуролли тўқнашувларнинг олдини олиш, мамлакатлар ўртасида ҳамкорлиқни йўлга қўйиш, глобал

мулоқот, глобал ҳаракатлар ва бутун дунёда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби ғояларни фаол илгари сурмоқда.

Инсон қадри улуғ, ҳуқуқлари дахлсиз

Янги Ўзбекистонда “Инсон қадри учун” деган инсонпарвар ғоя давлат сиёсатининг бош мезони сифатида қарор топди. Энди ҳар бир қонун, қарор ва дастур, аввало, инсон манфаатига хизмат қилиши, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаши, муносиб ҳаёт шароитини яратиши лозим.

Ўз навбатида, инсон ҳуқуқлари замонавий цивилизация тараққиёти даражасини кўрсатиб турувчи мезондир. Афсуски, дунёда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий инқирозлар, геосиёсий ўзгаришлар ва қуролли можаролар инсон ҳуқуқлари масалаларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Ҳеч кимнинг унутишга ҳаққи йўқ — қонун талаблари ва инсон ҳуқуқлари — биз учун олий қадрият”. Янги Ўзбекистонни барпо этиш билан боғлиқ янгица ислохотлар шароитида “инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари, айниқса, қадри — энг муҳим қадрият” деган тамойил эътироф этилмоқда.

Президентимиз ташаббуси асосида ишлаб чиқилган “Инсон ҳуқуқлари — 2030” стратегияси лойиҳаси кенг жамоатчилик томонидан қизгин қўллаб-қувватлангани бежиз эмас. Бу — янги Ўзбекистон тарихида инсон ҳуқуқлари бўйича иккинчи Миллий стратегиядир.

“Инсон ҳуқуқлари — 2030” стратегияси лойиҳаси 12 бобдан иборат. Унда:

- Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларининг жорий ҳолат тавсифи;
- Стратегиянинг мақсад ва вазифалари;
- Инсон ҳуқуқлари стратегиясини амалга оширишнинг асосий принциплари;
- Инсон ҳуқуқлари стратегиясини амалга ошириш механизми бўйича чора-тадбирлар дастури;
- Стратегияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар;
- Стратегияни амалга оширишни мониторинг қилиш ва ҳисобот бериш тартиби;

- Стратегияни амалга оширишнинг молиявий ва ресурс таъминоти;
- Стратегияни амалга ошириш самардорлигини баҳолаш механизми каби масалалар ўз ифодасини топади.

Муҳими, “Инсон ҳуқуқлари — 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури 4 устувор йўналишдан иборат “натижа” кўрсаткичлари ва “бевосита фаолият натижаси” кўрсаткичларини қамраб олган. Бу ўринда:

биринчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий қонунчиликни такомиллаштириш; иккинчидан, аҳолининг эҳтиёжманд тоифалари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда инклюзив ва ижтимоий адолатли жамиятни шакллантириш;

учинчидан, инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтириш ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим тизимини ривожлантириш; тўртинчидан, Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ва халқаро мажбуриятлар ижросини таъминлашдан иборат устувор йўналишлар ҳақида сўз бормоқда.

Шундай қилиб, “Инсон ҳуқуқлари — 2030” стратегияси тасдиқланган, унда белгиланган устувор йўналишлар ижросининг тўлиқ ҳамда ўз вақтида таъминланиши, шубҳасиз, янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмларини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Учинчи Ренессанс — стратегик вазифамиз

Сўнгги йилларда мамлакатимиз, минтақамиз, бутун сайёрамиз миқёсида тинчликни сақлаш, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, маънавият ва маърифатни ривожлантириш, экологияни муҳофаза қилиш, шунингдек, илғор инновациялар, замонавий технологиялар ва “яшил иқтисодиёт”ни чуқур татбиқ этиш орқали барқарор тараққиётни таъминлаш йўлида том маънода бемисл самараларга



эришилмоқда. Ушбу натижаларнинг барчаси инсон қадрини улуғлашга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятли.

Мамлакатимиз 2028 йилда илк илмий сунъий йўлдошини фазога учуришни режалаштирмоқда. Мазкур лойиҳанинг Мирзо Улуғбек номи билан атилаши ва у нафақат космик технологияларни ривожлантириш, балки миллий-илмий мактабни шакллантириш ва ёш мутахассисларни тайёрлашга ҳам хизмат қилиши кутилмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистонимизнинг биринчи миллий космонавтини қисқа муддатли космик парвозга тайёрлаш ишлари ҳам бошланиб кетди.

Ватанимиз, халқимиз, миллатимиз намоёндалари юксакларга парвоз қилиш ҳақида, фазо ва коинот, юлдузлар ва сайёралар кашфи хусусида анчадан бунён ўйламай ва интилмай, таъбир жонз бўлса, орзу ҳам қилмай қўйганди, назаримда. Бу ўринда, аввало, шоҳ ва олим бобомиз Мирзо Улуғбек ҳазратлари замонаси назарда тутилмоқда.

Истиқлолнинг 35 йиллиги катта байрам қилинаётган жорий йилда Соҳибқирон Амир Темур, Мир Алишер Навоий боболаримизнинг қутлуг таваллуд айёмлари ҳам кенг нишонлангани замирида ўзига хос рамзий маъно мужассам. Зеро, улуг аллома аждодимиз Абу Райҳон Берунийнинг “Вақт пиллаюяси чексиздир, бир-бирининг ўрнини эгаллаб борадиган авлодлар зинадан зинагача кўтарилдилар, холос. Жамланган тажрибани ҳар бир авлод ўзидан кейин келаётган, ўзидан кейин уни тараққий эттирадиган ва бойитадиган навбатдаги авлодга етказиб беради”, деган пурҳикмат фикрлари бор. Бу бебаҳо фикрларни изчил ривожлантириш асосида Биринчи ва Иккинчи Шарқ Уйғониш даври — ана шу икки Ренессанс том маънода инсоният тараққиётининг олтин пиллаюялари сифатида тарих саҳифаларига муҳрланган.

Шарқнинг бутун инсоният тарихидаги нодир ижтимоий ҳодиса бўлган ҳар икки Ренессанс буюк аждодларимизнинг илм-маърифат ва кучли эътиқод, диний бағри-кентлик ва инсонпарварлик борасидаги эзгу ғоялари билан йўғрилган эди. Бу ғоялар Ўзбекистон мустақиллиги йилларида алоҳида, янада теран маъно-мазмун касб этиб бормоқда.

Мамлакатимизда Учинчи Ренессансини XX асрда маърифатпарвар жадидлар амалга ошириши мумкин эди. Бу фидойи ва жонқуяр зотлар бутун умрини миллий уйғониш ғоясига бағишлаб, ўлкани жаҳолат ва қолоқликдан

олиб чиқиш, миллатимизни ғафлат ботқоғидан қутқариш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этган.

Шуқри, Президентимиз ташаббуси билан янги Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш асосий мақсад этиб белгиланди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Биз Учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз”.

2026 йил 15 август, 165-сон



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_news



Муқобил энергия



ZARGHOV-2 GESI



ЭКОЛОГИК ТОЗА



ВА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ МАНБА

Бошланиши 1-бетда

Жумладан, Сурхондарёдаги гидроэлектр станциялари вилоятнинг энергетика салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, аҳолини барқарор электр энергияси билан таъминлаш ва иқтисодий ривожланишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Хусусан, вилоят шимолидаги йирик энергетика объектларидан бири бўлган “Тўпаланг” гидроэлектр станцияси тубдан модернизация қилинди. 2023 йили янги гидроагрегатлар ишга туширилиши тўғрисидаги қарор эълон қилинди. Янги қувватлар ишга туширилиши натижасида эса бир каскадда жойлашган тўртта гидроэлектр станциясининг умумий ишлаб чиқариш қуввати 276 мегаваттга етди.

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 28 мартдаги “Республика ҳудудларида микро гидроэлектр станциялари тармоғини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мамлакатдаги энергетика соҳасини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш йўлида муҳим босқич бўлди. Мазкур қарорда микро гидроэлектр станцияларини қуриш ва фаолиятини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар белгиланиб, соҳадаги ишлар миқёсини сезиларли даражада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Қарорга мувофиқ 2025-2026 йилларда Сурхондарё вилоятида умумий қуввати 9,288 киловатт бўлган микро гидроэлектр станцияларини барпо этиш ва ишга тушириш режалаштирилган. Ҳозир эса микро гидроэлектр станциялари босқичма-босқич фойдаланишга топширилмоқда.

“Зарчоб-3” микро ГЭСи ҳудуддаги истиқболли энергетика лойиҳаларидан. Қуввати 230 киловаттнинг ташкил этувчи мазкур иншоотда бугун қурилиш-монтаж ишлари тўлиқ якунланган. Айти пайтда микро ГЭСнинг асосий ускуналари механик синовлардан муваффақиятли ўтказилиб, объектни ишга тушириш олдиндан муҳим босқич бўлган 72 соатли синов режими амалга оширилмоқда. Мазкур жараён ҳам станцияда барча тизим ва агрегатларнинг ишончли ҳамда барқарор ишлашини текшириш имконини беради.

— Тўпаланг дарёсида қурилган “Зарчоб-3” кичик гидроэлектр станцияси Сурхондарё вилоятининг гидроэнергетика салоҳиятини оширишга хизмат қилаётган муҳим лойиҳа. Қуввати соатига 16 мегаваттнинг ташкил этувчи мазкур иншоот маҳаллий сув ресурсларидан самарали фойдаланган ҳолда экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқаришга мўлжалланган, — дейди “Зарчоб-3” микро ГЭСи муҳандиси Шахбоз Сафаров.

Экологик тоза энергия манбаларини ривожлантириш, янги қувватларни ишга туширишда энергетика соҳасидаги ўзгаришлар маҳаллий аҳоли ҳаётида ҳам ўз аксини топтомоқда.

Сўнгги йилларда вилоятнинг бошқа қатор ҳудудларида ҳам “Тўпаланг” ГЭС таркибиде микро ГЭСлар барпо этилмоқда. Ана шундай кичик лойиҳалардан бири Қумқўрғон тумани ҳудудида жойлашган ва у маҳаллий аҳолини экологик тоза ҳамда барқарор электр энергияси билан таъминлашга хизмат қилади.

— Қумқўрғон туманида қурилган кичик микро ГЭС сув ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида электр энергияси ишлаб чиқаради. Бу эса бир томондан энергетика тизими асосан пасттекислик сифатида тавсифланади. Географик жойлашувига кўра, бу ерда табиий равишда юқори сув босими мавжуд эмас. Шунингдек, кўп ҳолларда гидроэлектр станциялари қуришда зарур бўлган баланслик фарқи, яъни гравитация босими етарли даражада бўлмайди.

Шунга қарамай, ушбу ҳудудда сув оқими тезлиги юқори бўлган каналлар мавжуд. Ана шу гидрологик имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда сув босимисиз, фақат унинг оқими тезлигига асосланган микро гидроэлектр станциялари қурилди.

Мавжуд қувватларни кенгайтириш бўйича қатор истиқболли режалар ишлаб чиқилган. Республикада “яшил иқтисодиёт” тизимини жорий қилиш, иқтисодий соҳа объектлари ва аҳоли турар жой биноларида энергия самардорлигини ошириш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кенгайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Бу йўналишда Сурхондарё вилоятида ҳам эътиборга молик ишлар бажарилмоқда. Хусусан, аҳоли хонадонлари, корхона ва ташкилотлар, шунингдек, муассасаларда замонавий қуёш панеллари ва қуёш сув иситкичларини ўрнатиш ишлари жадал суръатларда давом этмоқда.

Натижада ўтган даврда Сурхондарё вилоятидаги 8320 та иқтисодий соҳа объекти, тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли хонадонларига умумий қуввати 110,4 мегаватт бўлган қуёш панеллари ўрнатилди. Бу орқали 298,2 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда.

Масалан, Термиз шаҳридаги сув таъминоти тизимига қарашли ер ости сувини қайта ишлаш иншооти ҳудудидаги майдондан самарали фойдаланиш мақсадида йирик лойиҳа амалга оширилди. Мазкур ҳудудда вилоятдаги 5 та олий таълим муассасаси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳамда вилоят сув таъминоти корхонаси ҳамкорлигида муассасалар эҳтиёжи учун умумий қуввати 7,2 мегаватт бўлган қуёш панеллари жойлаштирилди.

Жумладан, лойиҳа доирасида Термиз давлат университети томонидан қуввати 2,7 мегаватт бўлган қуёш панеллари ўрнатилди. Бу орқали олий таълим муассасасининг электр энергиясига эҳтиёжи тўлиқ қопланди. Шу билан бирга,




Бугуннинг гапи



Қорақалпоғистоннинг Беруний тумани Турон маҳалласида 5570 киши истиқомат қилади. Маҳаллаларнинг асосий драйвери — чорвачилик ва деҳқончилик. Шу боис, туронлик ёшлар сабзавот ва полиз экинлари экиб, оиласига мўмай даромад келтириш билан бирга ички бозорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг арзон бўлишига ҳам ҳисса қўшмоқда.



ЭҲТИЁЖИНИ БАҲАМОНЛАШТИРИШ



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДИН СКАНЕР
ҚИЛИНГ!



ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА

— Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 5 апрелдаги “Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан туманимиздаги 600 дан ортиқ ёшга 30 сотихдан 1 гектаргача ер ажратилиб, бандлиги таъминланган, — дейди Халқ депутатлари Беруний тумани кенгаши котибияти мудири Маҳмуд Қодиров. — Хусусан, Турон маҳалласидаги 30 ёшга 30 сотихдан ер берилиб, ҳозир бу ерларда полиз маҳсулотлари ва қовун етиштирилмоқда. Ҳар бир қарч ердан унумли фойдаланишга интилган ёшлар тажрибали томорқачилар билан мунтазам маслаҳатлашиб, фикр алмашиб туради. Берилаётган имконият ва имтиёзлар ҳудудларнинг янги қиёфага кириши, мурожаатларнинг маҳаллада ҳал этилиши, бир сўз билан айтганда, маҳалланинг том маънода халқимизнинг бирдамлигини таъминлайдиган ўзини ўзи бошқариш тизимига айланишига хизмат қилмоқда.

Туманинг Лолазор маҳалласидаги 6000 фуқаронинг 1500 нафарини ёшлар ташкил этади. Юқоридаги қарорга кўра, уларнинг 15 нафарига 30 йиллик ижара шартномаси асосида 30 сотихдан ер ажратиб берилган. Бу ерларга сабзавот ва полиз маҳсулотлари эккан ёшлар йил охиригача яхшигина даромадли бўлади.

Томорқадан самарали фойдаланиш бўйича туманининг ўз тажриба мактаби бор. Масалан, Палваш маҳалласида яшовчи Мадийёр Сейтназаров уйи атрофидаги 56 сотих томорқасида қўшимча арча, хризантема, шафран ва бир қанча гул кўчатлари уруғини етиштиришни

Агротехник тадбирлар ўз вақтида бажарилса, кўчатлар турли касалликларга чалинмайди. Бу бўйича Мадийёр томорқачида тажриба етарли. Мавсум давомида 10 нафаргача мавсумий ишчи ишлатади. Бу шунча одамнинг оиласига даромад кирди дегани. Яхши етиштирилган ҳар бир тул қўчат 30-40 минг сўмдан сотилади.

Маҳаллада аҳолининг ҳар бир қарч ердан унумли фойдаланиш ва даромад олиш борасидаги тажрибаси юқори. Бу эса ҳудуднинг оғир маҳалла тоифасидан чиқиши,

драйвер лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши, аҳоли бандлиги таъминланиши, даромадларнинг кўпайишига ёрдам бермоқда.

Тикувчилик хунарини онасида ўрганиб, энди кўлаб шогирдларга устозлик қилаётган Зулфия Рейимбоева туманининг Хоразм маҳалласида истиқомат қилади. Тикувчилик учун зарур тикув машиналарини “маҳалла етиллиги” ёрдами билан имтиёзли кредит асосида сотиб олди. Ҳозир “Хунармаң” уюшмаси томонидан “устоз-шогирд” тизими асосидаги

субсидияга эга бўлиб, қизларга хуна ўргатиб келмоқда. Замонавий либослар, тўй сарполари, шунингдек, қуёқ кўрпа ва кўрпачаларни маромига етказиб тикишни йўлга қўйган. Хунарининг фойдасини билган Зулфия бу борада янги лойиҳаларни йўлга қўйиб, ишини янада кенгайтирмоқчи.

Туманимизда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагидаги ёшларга ҳар томонлама ёрдам бериб келинмоқда, — дейди туман ҳокими ўринбосари Давронбек Каримов. — Масалан, балиқчилик тармоғини ривожлантириш учун “Олтинсўй” овул фуқаролар йиғини ҳудудида сунъий кўллар ташкил этилган. Соҳага ёшларни қизиқтириш учун сунъий кўл ҳавзаларига бизнес саёҳатлар ташкил этилган.

Беруний туманидаги кўлаб йигит-қизлар касб-хуна ўрганиб, ўз тадбиркорлигини бошлаётган бўлса, чорва ва деҳқончиликка мослашган ҳудудларда илмий ёндашув асосида анъанавий мактаб тажрибаси кўл келмоқда.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Сайёра ХОЛМИРЗАЕВА,
Тошкент давлат аграр
университети профессори

Бошланиши 1-бетда

Олий таълимни модернизация қилишда 2017 йил туб бурилиш нуқтаси бўлди. Президентимизнинг ўша йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизimini янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳадаги давлат сиёсатининг янги йўналишларини белгилла берди.

Илгари асосий вазифа мавжуд тизимни сақлаш ва такомиллаштиришдан иборат бўлган, энди эса уни сифат жиҳатидан ўзгартиришга устувор аҳамият қаратила бошланди. Университет нафақат ёшларга билим берувчи маскан, балки илмий тадқиқотлар, инновациялар, халқаро ҳамкорлик маркази ҳамда келажак иқтисодиёти учун кадрлар тайёрлайдиган даргоҳга айланиши керак эди.

Келгуси йилларда қабул қилинган стратегик ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, халқаро таълим стандартларини жорий этиш, университетларнинг академик мустақиллигини таъминлаш, таълим муҳитини рақамлаштириш ҳамда таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни мустаҳкамлашга қаратилди. Кенг қўламли ислохотлар натижа-сида соҳанинг мазмун-моҳияти, фалсафаси тубдан ўзгарди. Яъни мамлакатимизда замонавий талабаларга жавоб берадиган мутлақо янги олий таълим модели шаклланди.

Ислохотларнинг натижаси, аввало, рақамларда ўлчанади. Шу боис, айрим статистик кўрсаткичларга назар ташласак. Агар 2016 йилда республика олий таълим муассасаларида 270 мингга яқин талаба тахсил олган бўлса, 2025/2026 ўқув йилига келиб уларнинг сони 1 миллион 535 мингга етди. Демак, атиги ўн йил ичда талабаларнинг умумий сони қарийб олти баробар ошди. Айниқса, сўнгги 4-5 йилда кузатилган ўсиш суръати

ҳайратланарли. Бу даврда талабалар сони 808,4 мингдан 1 миллион 535 минг нафаргача кўпайди. Ушбу кўрсаткич нафақат Марказий Осиё, балки кўплаб ривожланаётган давлатлар орасида ҳам энг юқори натижалардан бири ҳисобланади.

Табиийки, бундай ўсиш олий таълим билан қамров даражаси сезиларли ошишига олиб келди. 2015 йилларда ёшларнинг олий таълим билан қамраб олиниш даражаси бор-йўғи 7 фоиз атрофида бўлган. Бугунги кунга келиб эса ушбу кўрсаткич қарийб 50 фоизга етди. Эътиборлиси, олий таълимда хотин-қизлар улуши сезиларли даражада ошди. Жумладан, 2025/2026 ўқув йили яқунларига кўра, олий таълим муассасалари талабалари орасида қизларнинг сони 782,9 мингга етиб, мамлакат тарихида илк бор ўғил бола талабаларнинг сонидан ортди.

Худди шу тенденция қабул жараёниларида ҳам кузатиляпти. Хусусан, 2024/2025 ўқув йилида ўқишга қабул қилинган 381,7 минг талабанинг 196,7 мингини қизлар ташкил этди. Бу, бир томондан, олий таълим қамрови ортиб бораётганини кўрсатса, иккинчи томондан, хотин-қизларнинг билим олиши, ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши ва жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун яратилаётган кенг имкониятларнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.


Ўтган йилларда юртимизда университет ва институтлар сони кескин кўпайди. 2010 йилларнинг ўрталарида мамлакатда 77 га яқин олий таълим муассасаси фаолият юритган бўлса, 2025 йилга келиб 200 тадан ошди. Давлат университетлари қаторида нодавлат олий таълим муассасалари пайдо бўла бошлади, етакчи хорижий университетлар филиаллари очилди, қўшма таълим дастурлари кенгайди. Бугун ёшлар давлат ва нодавлат университетлар, миллий ҳамда халқаро таълим дастурлари ўртасида эркин танлов қила олади. Керак бўлса, мамлакатдан чиқмаган ҳолда нуфузли хорижий университет дипломини кўлга киритиш имконияти ҳам бор.



Ҳозирги замонда таълим сифати фақат миллий стандартлар билан эмас, балки университетларнинг халқаро илмий таълим жараёнларига қай даражада интеграциялашгани, глобал ҳамкорликда қанчалик фаол иштирок этаётгани билан ҳам баҳоланади.



ХАЛҚИМИЗ ТАҚДИРИНИ ЎЗГАРТИРГАН БУЮК НЕЪМАТ



“Ўзбекистонда таълим давлат сиёсатининг стратегик устуларидан бирига айланди. Ўттиз беш йил ичида мамлакатимиз миллий олий таълим тизимини шакллантиришдан халқаро стандартларга мос, инновацияларга таянувчи ва рақобатбардош кадрлар тайёрлайдиган замонавий тизимни яратишгача бўлган машаққатли йўлни босиб ўтди.

фаоллашди. Қўшма диплом дастурлари йўлга қўйилди, талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг академик мобиллиги, қўшма илмий тадқиқотлар кўлами кенгаймоқда.

Бу ўзгаришлар халқаро рейтингларда аксини топмоқда. Илгари Ўзбекистон университетларини жаҳон рейтингларида кўриш озу бўлган, бугун эса ана шу озу реал воқеаликка айланди. Хусусан, олий таълим муассасаларимиз мунтазам равишда QS World University Rankings, Times Higher Education (THE), THE Impact Rankings, UI GreenMetric ва бошқа нуфузли халқаро рейтингларда муносиб ўрин эгалламоқда. Албатта, ислохотларнинг пировард мақсади шунчаки рейтингларда кириш эмас. Бироқ айнан шу кўрсаткич университет фаолиятини халқаро меzonлар асосида ҳолис баҳолаш, таълим сифатини ошириш, илмий тадқиқотларни кучайтириш ҳамда бошқарувнинг энг илгор тажрибаларини жорий этиш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўн йил аввал мамлакатда нодавлат университетлар деярли бўлмаган, бугун эса ўнлаб хусусий олий таълим муассасалари ёшларга сифатли таълим бермоқда. Шу билан бирга, мамлакатимизда Буюк Британия, Россия, Жанубий Корея, Италия, Туркия, Сингапур, Беларусь ва бошқа қатор давлатларнинг нуфузли университетлари филиаллари очилди.

Натижада университетлар ўртасида соғлом рақобат муҳити шаклланди, соҳага замонавий таълим технологиялари кенг жорий этилди, мутахассисларни тайёрлаш механизмлари тубдан такомиллашди. Қисқа қилиб айтганда, ислохотларнинг дастлабки йилларида асосий эътибор миллий олий таълим тизимини шакллантиришга қаратилган бўлса, бугунги кунда унинг сифати, замонавий меҳнат бозори талабларига жавоб бериши ва халқаро рақобатбардошлигини таъминлаш устувор вазифага айланди.

Халқаро рейтингларда муносиб ўрин

Ҳозирги замонда таълим сифати фақат миллий стандартлар билан эмас, балки университетларнинг халқаро илмий таълим жараёнларига қай даражада интеграциялашгани, глобал ҳамкорликда қанчалик фаол иштирок этаётгани билан ҳам баҳоланади. Шу нуқтани назардан, халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш юртимиз олий таълим тизимидаги ислохотларнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Сўнгги йилларда универси-тетларнинг хорижий институтлар ва илмий-тадқиқот институтлари билан алоқалари анча

Ислохотлар марказида — ўқитувчи

Ҳар қандай соҳадаги ислохотнинг натижадорлиги, аввало, ўша жабҳада меҳнат қилаётган фидойи инсонларга боғлиқ. Тиб-биётда бу — шифокор, тадбиркорликда — ишбилармонлар, ахборот технологиялари-да — дастурчилар, таълимда эса ўқитувчи. Президентимиз бежиз “Янги Ўзбекистонда энг муҳим соҳа — таълим, энг ҳурматли инсонлар — ўқитувчилар ва мураббийлар”, демаган.

Яна бир гап. Таълим соҳасига қанча маб-лағ ажратилмасин, жаҳон андозаларига жа-воб берадиган инфратузилма яратилмасин, хорижий тажриба олиб қирилмасин, ўқи-тувчи ўз дунёқараши, ишига муносабатини ўзгартирмас экан, ҳатто пухта ўйланган



Севара АБДУЛЛАЕВА,
Инновацион ривожланиш
агентлиги бошқарма бошлиғи
ўринбосари

Айниқса, ахборот оқими ҳаддан ташқари тезлашган бугунги даврда бу масаланинг аҳамияти янада ортмоқда. Ёшлар кимни кўпроқ кузатса, муваффақиятидан илҳомланса, кўпинча ўша соҳага қизиқаяпти. Агар ин-новация ва илм-фан вакиллари ахборот маконида етар-лича фаол бўлмаса, уларнинг ўрнини бошқа соҳалар-даги қаҳрамонлар эгаллайди.

Демак, илм учун яна бир муҳим рақобат майдони жамоатчилик эътиборидир. Шу боис, дунёда илм-фан коммуникациясида илмий фаолиятнинг қўшимча йў-налиши эмас, балки унинг ижтимоий таъсирини бел-гилайдиган муҳим механизм сифатида қаралаётгани мутлақо табиий. Илмий мақола, тадқиқот натижаси ёки янги технологиянинг ўзи билан иш тугамайди. Уни жамоатчилик билан муҳокама қилиш, ёшларга етаклаш, тадбиркор ва инвесторлар эътиборига ҳавола этиш ҳам илмий экзотизмнинг бир қисмига айланибди.

Хорижий мамлакатлар тажрибасида ҳам илм-фан тарғиботи илмий фаолиятнинг муҳим қисми сифатида қаралишини кузатиш мумкин. Масалан, АКШ мил-лий илмий жағғармиси — NSF грант лойиҳаларини баҳолашда Broaden Impacts тадқиқотининг жамиятга кенг таъсири мезонидан фойдаланади. Бунда илмий ишнинг таълим, кадрлар тайёрлаш, жамоатчилик ва иқтисодиётга таъсири ҳам инобатга олинади. Шунинг-

ИЛМ ЖАМИЯТДА ЯШАШ КЕРАК



Илмий салоҳиятни қайси мезон билан ўлчаган маъқул? Лабораторияларда яратилган кашфиётлар ёки чоп этилган илмий мақолалар сони биланми? Ҳа, шубҳасиз, булар муҳим ўлчов. Бироқ бугун олдимизда яна бир улкан вазифа турибди: яратилган билим ва технологияларни амалиётда таътиқ этиш масаласи. Боиси, илмий ишланмалар қанчалик кўп бўлмасин, агар у амалиётда қўлланмаса ва янги изланишларга туртки бермаса, унинг имконияти тўлиқ намоён бўлмайди.

дек, Европа мамлакатларида илмий фестиваллар, очиқ лабораториялар ва оммавий маърузалар орқали аҳоли илм-фан натижалари билан бевосита таништирилади. Бундан кўринадики, мамлакатимизда ҳам олимлар фаолиятини замонавий медиа орқали кенг ёритиш, илмий ишланмаларни оммага тушунарли шаклда тақ-дим этиш ва уларни амалиётда таътиқ этиш муҳим вазифалардан бирига айланиши бежиз эмас. Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, Инновацион ривожланиш агентлиги ҳузуридаги Илмий-техник ахборот маркази илм-фан тарғиботида замонавий ахборот воситалари-дан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Марказ олимларнинг тадқиқотлари ва инновацион ишланмаларини кенг аудиторияга танитиш мақсадида видео дайжестлар тайёрлашни йўлга қўйган. Уларда мураккаб илмий терминлардан кўра тадқиқотнинг маз-муни, қандай муаммога ечим бераётгани ва инсон ҳаёти учун аҳамиятига эътибор қаратилади. Бундай формат илмий натижани оддий ва тушунарли тилда тақдим этиш билан бирга уни яратган олимни ҳам жамоатчи-ликка танитади. Натижада олимнинг меҳнати фақат илмий доира вакиллари учун эмас, кенг аудитория учун ҳам қизиқарли ва аҳамиятли мавзуга айланади.

Яна бир муҳим жиҳат — илм-фанин инсон омил-и орқали яқинлаштириш. Мисол учун, тадқиқотчилар



изланаётгани, қандай гоя устида ишлаётгани ва унинг меҳнати самарасини кўрган ёшлар илм-фанин мавҳум тушуна эмас, балки ўзи ҳам танлаши ва унда нати-жага эриша оладиган реал соҳа сифатида қабул қи-лади. Шу мақсадда марказ томонидан ёш олимлар, тад-қиқотчилар, ихтирочилар ва новаторларни аниқлаш, уларнинг фаолиятини кенг жамоатчиликка танитишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Марказ ҳузуридаги нашрларда уларнинг илмий из-ланишлари ва инновацион ишланмалари ҳақида туркум материаллар тайёрланиб, видео дайжестлар орқали ҳам кенг аудиторияга тақдим этилмоқда. Бу материаллар на-фақат илм-фан тарғиботи, балки мамлакатдаги иқтидор-ли олим ва ихтирочилар ҳақида очиқ ахборот базасини шакллантиришга ҳам хизмат қияпти.

Натижада илмий ва инновацион соҳадаги янги номлар марказ аудиторияси ҳамда кенг медиа маконга бирдек кириб бормоқда. Бу эса илм-фан вакиллари-ни жамоатчиликка танитиш билан бирга уларнинг тажри-баси ва натижаларини бошқа медиа майдонларга олиб чиқиш учун ҳам муҳим ахборот кўприғи вазифасини бажаряпти.

Илмий ишланмани оммага танитишнинг энг му-ҳим босқичи эса уни амалда намоиш этиш, муал-лиф ва жамоатчилик, олим ва тадбиркор, тадқиқотчи ва инвестор ўртасида бевосита мулоқот учун шaroит яраттириш. Бу борада Инновацион ривожланиш агент-лиги томонидан ўтказиб келинаётган “InnoWeek” хал-қаро инновацион гоялар ҳафталиги алоҳида аҳамиятга эга.

Мазкур ҳафталик Президентимизнинг 2018 йил 27 апрелдаги “Инновацион гоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида йўлга қўйилган. Унга кўра, 2018 йилдан бошлаб мунтазам равишда халқаро инно-вацион гоялар ҳафталигини ўтказиш белгиланиб, илмий муассасалар ва реал иқтисодиёт тармоқлари ўртасида ҳамкорлиқни кучайтириш, маҳаллий инно-вацион гоя ва технологияларни тижоратлаштириш, инвестицияларни жалб қилиш ҳамда илгор ишлан-маларни тарғиб этиш асосий вазифалар сифатида белгиланган.

Ҳафталик доирасида илмий ва инновацион иш-ланмалар макет, прототип ёки тайёр маҳсулот кў-ринишида намоиш этилади. Бу эса илмий гоянинг қоғоздаги натижа эмас, балки амалиётда қўлланиши мумкин бўлган ечим эканлиги кўрсатиш имконини беради. Муҳими, жамоатчилик аввал ахборот мате-риаллари орқали танишган олим ва унинг ишлан-масини бу ерда бевосита кўриши, имкониятлари бил-ан танишиши ва муаллифи билан мулоқот қилиши мумкин.

Яна бир гап. Янги Ўзбекистонни илм-фан ва инно-вацияларсиз барпо этиш мумкин эмас. Бу мақсад илм-фан учун зарур шарoитлар яратиш билан бирга унинг натижаларини жамият тараққиётининг узвий қисмига айлантириш ҳам талаб этади.

Илмий натижа бир кунда яратилмайди. Унинг ор-тида йиллар давомидати изланиш, тажриба ва билим туради. Шунинг учун илм-фанин оммалаштиришни қисқа муддатли ахборот вазифаси эмас, узoқ муддатли натижага қаратилган стратегик йўналиш сифатида ба-ҳолаш лoзим. Бундай ёндашувнинг самараси эса вақт ўтиши билан янада яққол намоён бўлади. Бугун илм ҳақида шаклланган тасаввур эртага касб танловига, илмий муҳитга кириб келадиган янги авлодга ва мам-лакатдаги илмий мактабларнинг давомчилигига таъ-сир қилади.

Шу маънода, илм-фан тарғиботига йўналтирил-ган ҳар бир сазй-ҳаракатни интеллектуал капиталга киритилган сармоя сифатида кўриш мумкин. Мо-лиявий инвестиция иқтисодий қиймат яратган каби илмга бўлган эътибор ва унинг қадрини оширишга қаратилган ишлар ҳам мамлакатнинг узoқ муддат-ли интеллектуал салоҳиятини кучайтиради. Илмий салоҳият эса уни қадрлайдиган ва ривожлантириш-га интиладиган муҳитга ҳам боғлиқ. Шундай экан, илм-фан тарғиботи бугунги ахборот эмас, эртанги тараққиёт учун яратилаётган асосдир.

